

# Инсон ва қонун

2021 йил 20 июль  
сешанба  
№ 29 (1285)

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)  
[insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)  
[fb.com/hudud24official/](https://fb.com/hudud24official/)  
[t.me/hudud24official/](https://t.me/hudud24official/)

hudud24  
Endi 24 soat siz bilan!

✓ Энг сўнгги хабарлар  
✓ Ҳуқуқий маълумотлар  
✓ Таҳлилий мақолалар  
✓ Мурожаатга жавоблар



ТРАКТОРЧИНИНГ  
ПЕНСИЯСИ ОШИРИЛДИ

4-БЕТ



ҲАЙРАТДАМАН...

5-БЕТ

БОБОМ ВА  
БИР ТУП ЎРИК

8-БЕТ



1008

“1008” — “ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ”  
саволларингизга жавоб беради

- ✓ Арзон уй-жойлар кимлар учун қурилади?
- ✓ Арзон уй-жойлар қаерда қурилади?
- ✓ Қандай ҳужжатлар талаб этилади?
- ✓ Ариза неча кунда кўриб чиқилади?
- ✓ Комиссия томонидан аризани кўриб чиқишда уй-жойга муҳтож хотин-қизларни аниқлаш қандай ижтимоий мезонлар асосида амалга оширилади?
- ✓ Ариза берувчиларнинг уй-жойга муҳтожлиги даражаси қандай аниқланади?
- ✓ Комиссия томонидан ариза берувчига ёзма тавсия бериш қандай ҳолларда рад этилади?
- ✓ Талабгорларнинг аризаларини кўриб чиқиш ва уларга ипотека кредити бериш тартиби

2-БЕТ



ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИ:  
6 ойда 919 та  
МУРОЖААТ

Мурожаатларнинг 311 таси маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамда бевосита сектор раҳбарлари билан бирга, жойига чиққан ҳолда ўрганилиб, ижобий ҳал қилинди. Хусусан, кредит масаласидаги 17 та, иш билан таъминлаш юзасидан 11 та, алиментга оид 20 та, электр энергияси таъминоти тааллуқли 15 та мурожаат ижобий ечим топди.

3-БЕТ



САМАРҚАНД

Банк  
ФЕРМЕРНИ  
ҚАЧОНГАЧА  
САРСОН  
ҚИЛАДИ?

МАЪЛУМКИ,  
Адлия вазирлиги  
томонидан жорий  
йилнинг июнь  
ойида “Фермерга  
мадад” акцияси-  
га старт берилган  
эди.

4-БЕТ



НОҲАҚ  
АЙБЛАНГАН  
ТАДБИРКОР

суд жараёнида  
ОҚЛАНДИ

7-БЕТ







АДЛИЯ вазирлигининг “1008” қисқа рақамли — “Ишонч телефони”га келиб тушаётган мурожаатларга оид қонун ҳужжатлари бўйича маълумотларни газетхонлар эътиборига ҳавола этишда давом этамиз.

## ЎЗ ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН ЎЗГАНИНГ ЁРДАМИГА МУҲТОЖ БЎЛМАЙДИ!

### Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш масаласи

2018 йил 12 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 285-сонли қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорнинг мақсади оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналар учун арзон уй-жойлар қуришдан иборат.

### Арзон уй-жойлар қим-лар учун қурилади?

- оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар;
- ногиронлиги бўлган, кам таъминланган;
- фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналар.

### Арзон уй-жойлар қаер-да қурилади?

Уй-жойга муҳтож хотин-қизларга арзон уй-жойлар имтиёзли ипотека кредити асосида белгиланган тартибда туман (шаҳар)лар тоифасидан келиб чиқиб, ҳар йили қуйидаги ҳажмда ажратилади:

- I тоифага қирадиган туманларда — биттадан кўп қаватли уйлардаги хонадонлардан (2-3 хонали) ва бештагача ҳовлидаги иморатлари билан 0,02 гектарли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали (ёнма-ён қуриладиган) арзон уйлардан;
- II тоифага қирадиган туманларда — иккитадан кўп қаватли уйлардаги хонадонлардан (2-3 хонали) ва саккизтагача ҳовлидаги иморатлари билан 0,02 гектарли ер участкаларида жойлаштирилади-

ган бир қаватли 3 хонали (ёнма-ён қуриладиган) арзон уйлардан;

- I тоифага қирадиган шаҳарларда ҳамда Тошкент шаҳрининг туманларида — олтигагача кўп қаватли уйлардаги хонадонлардан (2-3 хонали);
- II тоифага қирадиган шаҳарларда — ўнтагача кўп қаватли уйлардаги хонадонлардан (2-3 хонали);
- 0,02 гектарли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали (ёнма-ён қуриладиган) арзон уйлар қурилмаган туман (шаҳар)ларда уларнинг ўрнига кўп қаватли уйлардаги хонадонлардан (2-3 хонали);
- кўп қаватли уйлар (2-3 хонали) қурилмаган туман (шаҳар)ларда уларнинг ўрнига 0,02 гектарли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали (ёнма-ён қуриладиган) арзон уйлардан.

Туман ва шаҳарларнинг тоифаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 сентябрдаги “Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида кўрсатиб ўтилган.

### Қандай ҳужжатлар талаб этилади?

- сўровнома-ариза;
- Ариза;
- Паспорт нусхаси;
- Солиқ тўловчининг идентификация рақами нусхаси (СТИР);
- Оила аъзолари паспортлари ва никоҳ қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (тўлиқ оила ва никоҳ ҳамда вояга етган фарзандлар мавжуд бўлган тақдирда) ва ёки фарзандлар туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар (вояга етмаган фарзандлар мавжуд бўлган тақдирда) нусхалари;
- Ариза берувчи ва у билан бирга яшаётган оила аъзоларининг доимий иш жойларидан берилган охириги 12 ой мобайнидаги даромадлари тўғрисида маълумотнома ёки ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг яшаш

жойидаги давлат солиқ хизмати органи томонидан тасдиқланган охириги 12 ой мобайнидаги даромадлар тўғрисидаги декларация нусхалари;

- Доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидан кадастр ҳужжати нусхаси (агар турар жойи доимий прописка жойи билан тўғри келса);
- Доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидан уй дафтарининг ёки квартиралар бўйича карточканинг (17-шакл) нусхаси (агар турар жойи доимий прописка жойи билан тўғри келса);
- Ижара ёки турар жойдан текинга фойдаланиш тўғрисида шартнома ёки туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими маълумотнома нусхаси (ариза берувчининг мулк ҳуқуқи асосида турар жойи бўлмаган ҳолатда);
- Ногиронлик гуруҳи кўрсатилган ҳолда пенсия гувоҳномаси, ушбу ҳужжат мавжуд бўлмаган тақдирда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясидаги туманлараро (туман) тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) маълумотнома нусхаси (оила аъзолари орасида биринчи гуруҳ ногирони мавжуд бўлган ҳолатда);
- Турар жойи бўйича туман даволаш-профилактика муассасасининг врачлик-маслаҳат комиссияси (ВМК) маълумотномаси ёки ариза берувчининг оила аъзолари орасида сурункали касалликнинг оғир турларига чалинган ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ алоҳида хонада яшашга муҳтож бўлган шахснинг мавжудлиги ҳолатида — туманлараро (туман) ТМЭК маълумотномаси.

### Ариза неча кунда қуриб чиқилади?

15 иш куни ичида қуриб чиқилади.

### Комиссия томонидан аризани кўриб чиқишда уй-жойга муҳтож хотин-қизларни аниқлаш қандай ижтимоий мезонлар асосида амалга оширилади?

- ариза берувчида мулк ҳуқуқи асосида турар-жойнинг йўқлиги ва турар-жойда ижара шартларида ёки яшаш учун яроқсиз турар жойда яшаш;
- бошқа оила (оилалар) билан бир уйда (бир хонадонда) яшаш;
- кўп болалилик;
- ариза берувчи оиласининг даромади;
- ижтимоий хусусиятига кўра алоҳида хонада яшаш керак бўлган (сил, теританосил касалликларининг оғир кўриниши, қандли диабетнинг йирингли яллиғланиши, псориаз) бемор аёллар (туман тиббиёт бирлашмасининг хулосаси асосида);
- ариза берувчининг оила аъзолари орасида биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг мавжудлиги;
- ариза берувчи уй-жой майдонининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган (бир шахс учун умумий уй-жой майдони 16 кв. метрдан кам бўлмаган, курси-коляскадаги ногиронлар учун 23 кв. метрдан кам бўлмаган) уй-жой майдонининг ижтимоий нормасига мувофиқ эмаслиги;
- биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз аёллар;
- ёлғиз ўзи оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган бола парвариш-лаётган аёллар (туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими маълумотномаси ва тиббиёт бирлашмаси хулосаси асосида).

### Ариза берувчиларнинг уй-жойга муҳтожлиги даражаси қандай аниқланади?

Комиссия томонидан қўйил-диган баллардан келиб чиқиб аниқланади ва ёзма тавсия биринчи навбатда энг юқори балл

тўплаган ариза берувчиларга берилади.

### Комиссия томонидан ариза берувчига ёзма тавсия бериш қандай ҳолларда рад этилади?

- ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган ҳолда тақдим этилиши;
- ҳужжатларнинг Дастурда иштирок этиш учун ариза ва ҳужжатлар тақдим этилишининг охириги санаси тугагандан кейин тақдим этилиши;
- тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги;
- ариза берувчининг уй-жой шароитларини, шу жумладан, унинг ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ижтимоий мезонларга мувофиқлиги юзасидан ўрганиш яқунлари бўйича тузилган текшириш далолатномасида ариза берувчида уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёж йўқлиги ҳолатининг асосли кўрсатилиши;
- уй-жойга муҳтож шахснинг никоҳи сўнгги уч йилда бекор қилинган тақдирда.

### Талабгорларнинг аризаларини кўриб чиқиш ва уларга ипотека кредити бериш тартиби

Худудий комиссиялар Дастурда иштирок этиш учун ёзма тавсия берилган талабгорлар рўйхатини ҳар бир туман (шаҳар)да ҳар йили амалга оширилаётган Дастурлар доирасида ушбу Низомнинг 4-бандида белгиланган арзон уй-жойлар билан таъминлаш тартибига мувофиқ шакллантиради ва Комиссиянинг баённомаси билан тасдиқлайди.

Рўйхатда талабгорларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили, паспортига оид маълумотлар, оила аъзолари сони ва бериладиган арзон уй-жойларнинг тури (қўшимча муҳандислик ва ижтимоий инфратузилма билан комплекс ҳолда қурилган кўп қаватли кўп хонадонли (2 ва 3 хонали) ва майдони 0,02 гектар бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 2 ва 3 хонали уйлар) аниқ кўрсатилади.





# ЮРИСТ ШАХСИ УНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ИЖТИМОЙ ФАНЛАРНИНГ РОЛИ ҚАНДАЙ?

**ЖАМИЯТНИНГ кафолатли ҳуқуқий ихоталаниши, фуқаролараро ҳамда фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг фақат ва фақат қонуний тартибга солиниши мамлакатимизда чинакам демократик тузум қарор топишининг энг муҳим шарти, айтиш мумкин бўлса, ҳал қилувчи кўрсаткичидир. Дунёдаги энг илғор давлатларнинг ҳар жиҳатдан тараққий топаётгани негизида ҳам айтиш мумкин, унинг кундалик ҳаётини нормага айлангани турибди.**

Мазкур коида ва нормаларнинг тезроқ шаклланиб, кундалик ҳаётимизнинг ҳам ажралмас қисми — ҳар жиҳатдан тан олинадиган ва риоя этиладиган кўникмасига айланишида эса ўша норма ҳамда қоидаларнинг яратувчиси, амалга татбиқ этувчиси, қандай ишлаётганини назорат ҳам қилувчиси — ҳуқуқшунос кадрларнинг роли бекиёс. (Биз “бекиёс” сўзини шунчаки, гапга жило бериш учун эмас, балки асл маъносида, худди шу ерда ишлатилиши зарур ва мантикий бўлгани учун қўлламоқдамиз. Зеро, “бекиёс” — “киёси йўқ” дегани бўлиб, биз сўз юритаётган масаламуаммолар ечимида, дарҳақиқат, юристлар ўрнини босадиган бошқа ижтимоий қатламни топиб ҳам, агар “топилса”, улар салмоғини киёслаб ҳам бўлмайди!)

Демак, шу маънода, юристларнинг инсон сифатида, ўзи учун тўла жавоб берувчи онгли шахс сифатида шаклланиши фуқароларнинг қонунга, ижтимоий адолатга, демакки, ҳуқуқий демократик давлат куриш ғоясининг реаллигига бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Ана ўша адолатли ИНСОНни, масъулиятли ШАХСни эса ижтимоий фанларсиз, уларнинг таъсири ва ёрдамисиз асло оёққа қўйиш ҳам, жамиятга қўшиш ҳам мумкин эмас.

Аниқ ва табиий фанлар, соф мутахассислик предметларининг муайян касбларни ўзлаштиришдаги роли ва аҳамиятини заррача инкор этмаган ҳолда айтиш керакки, улар кўпроқ ва аксарият ҳолда одам боласининг ақли, касбий тушунча ҳамда кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилади. Хусусан, юристспруденция мутахассислигига ўқитиладиган талабалар давлат, жиноят, фуқаролик, меҳнат, экология ҳуқуқи сингари йўналишларда мазкур соҳаларга оид қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳамда уларни қачон, қандай қўллашга доир билимларни ўзлаштиришади. Бу билимлар жаҳон педагогикасида “hard skills” — қаттиқ, турғун кўникмалар, деб аталади. Айтиш мумкин, бу билимлар жаҳон педагогикасида, дунёнинг илғор ҳуқуқ мактабларида “soft skills” — юмшоқ, мобил кўникмалар, деб аталувчи билимлар мажмуи ҳам бор. Бу билим ва кўникмаларни эса айнан ижтимоий фанлар, яна ҳам тўғрироғи, мутахассислик ҳамда ижтимоий фанлар туташуви, ўзаро тўлдируви натижасида вужудга келадиган ўқув предметлари ёрдамидагина ўзлаштириш мумкин.

Фикримиз муҳтарам ўқувчиларга янада тушунарли бўлиши учун Тошкент давлат юридик университетидан уч йилдан буён ўқитиб келинаётган бир модулнинг мазмун-мундарижаси билан ўртоқлашамиз.

“Ҳуқуқий кўникмалар ва методология” (“Legal skills and methodology”) модули силлабуси(ўқув дастури)дан, жумладан, қуйидаги мавзулар ўрин олган: “Юрист фаолиятида ташаббускорлик, креативлик ва масалага ижодий ёндашув”, “Ҳуқуқшуноснинг шахсий ривожланиш режаси”, “Тайм-менежмент: ўқиш ва ишда вақтни самарали бошқариш усуллари”, “Ҳуқуқшуноснинг нутқ маданияти”, “Мантикий тўғри фикрлаш ва ҳуқуқий асослашнинг юрист фаолиятидаги роли”, “Ҳуқуқий этика ва профессионал жавобгарлик”, “Адвокат, тергов ва прокуратура органлари ходимлари ҳамда судьянинг касб ахлоқи” ва бошқалар.

Гувоҳи бўлаётганимиздек, юқорида санаб ўтилган масалаларнинг аксарияти мутахассислик фанлари қамров доирасига кирмайди. Ҳолбуки, улар замонавий ҳуқуқшунос шахси, сажияси, малака ва кўникмаларининг тўғри шаклланишига жуда катта ёрдам беради. Уларсиз ўша шахс, сажия, малака ва кўникма ё ўта ғариб ёки жуда нари борса, чала-чулпа ҳолатда қолиб кетади.

Дейлик, соҳанинг қай бир йўналишида бўлмасин, фаолият олиб борадиган аксарият юристларда ташаббускорлик, муаммоларга ижодий ва чуқур

танқидий ёндашиш кўникмасининг бўлиши — ҳал этилиши лозим бўлган масалаларнинг тезкор, ортиқча бюрократик эзмаликларсиз, энг муҳими — адолатли ҳал этилишига олиб келадими-йўқми? Ана шунда юридик идораларда ҳукм сураётган Дакки-юнусдан қолган иш юритиш услублари — қоғозбозлик, ҳарфхўрлик, ҳамма масалага бир томонламагина ёндашиш ва бунинг оқибатида мутлақо нотўғри, адолатсиз ҳукмлар чиқаришдек ҳолатлар тезроқ бартараф бўлади.

Бўлғуси ҳуқуқшунос талабаларининг илк кунларидан бошлаб шахсий ривожланиш режасини тўғри шакллантиришга ўргатилиши эса — фақат диплом учун, “нима қилиб бўлмасин, ўқишни тугатиб олай, у ёғи бир гап бўлар”, қабилда фикрлаш ва ўз тақдирига (фақат ўз тақдиригамикин?!) — келажакга бефарқ, мавҳум муносабатда бўлишдек хатарли реалликнинг ўзгаришига умид уйғотади.

Ахир, (инсон боласимиз!) бир ўйлаб кўрайлик: баҳорда — қўй-қўзи арзонлашган пайти суддан чиққан тўртта қўзичокни сотиб олган одамнинг ҳам недир бир режаси, ўйлаган пухта мақсади бўлади. Ана шундай шароитда, қандай қилиб бўлғуси ҳуқуқшуноснинг — давлат ва жамият тақдирида, юқорида таъкидлаганимиздек, ғоят муҳим роль ўйнавчи касб эгасининг ўз шахсини муттасил ривожлантиришга оид аниқ режаси бўлмаслиги керак? Ва бунинг оқибати юзасидан ҳам савол: шахси ривожланмайдиган, ҳаётга не учун келгани, нега яшаётгани ва ундан халқи, жамияти нималарни кутаётганини жиддий ўйлаб, шунга яраша тадорик кўрмайдиган одамга қандай қилиб ўзгалар тақдирига дахл этиш ҳуқуқини бериш, инчунун, агар у судья бўлса, мамлакат номидан ҳукм ўқиш масъулиятини ишониш мумкин?..

Модул мавзулари орасидан нега “Ҳуқуқшуноснинг нутқ маданияти” масаласининг ўрин олганини ҳам азиз ўқувчиларимиз яхши тушуниб туришгани аниқ. Зеро, телеэкранда интервью бераётган ёхуд юзлаб тингловчи йиғилган машваратда нутқ ирод этаётган кўплаб юристларнинг қоғоздан бош кўтаролмаслиги, оддий, ўз касбига алоқадор гапларни ҳам одамдек айтиб беролмаслиги, бизнингча, жуда кўп нарсадан, очик айтиладиган бўлсак, ўша “мутахассис”ларнинг интеллектуал даражаси — билими, касбий савияси, дунёқараши, шахсиятидаги жиддий етишмовчиликлардан дарак беради.

Эртага мана шундай хунук ҳолатларга тушиб қолмаслик учун ҳам талабалар қайси гапни кимга, қачон, қандай ва қай миқдорда сўзлаш лозимлигини, бунда сўзловчи овозда, мими-када, кийим-бошда нималарни ҳисобга олиши кераклигини, нутқ сўзлаётган пайти, буюк актёр Шукр Бурҳоновча қилиб айтганда, “Залда ўтирган кўкйўтал одамнинг ҳам йўтали эсидан чиқиб қолиши” учун яна қандай усул ва услублардан фойдаланган афзал, деган масалаларни айтиш мумкин, мавзу доирасида ўзлаштирадilar...

Биз модул таркибидаги қолган ҳар бир мавзу хусусида ҳам шу сингари талқинларни батафсил ҳавола этишимиз мумкин, албатта. Бироқ бу ижодий тафаккурга озука берувчи юмушни ҳурматли ўқувчиларимизнинг ўзларига қолдиришни маъқул, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида эса, шуни айтиш мумкинки, дунё ҳар қанча глобаллашмасин, ҳаёт қанчалар технократлашмасин, инсон боласининг қалби, кўнгли, инсоний табиати худди шундай инсоний муносабатларга мудом ташна бўлиб қолаверади, одамийлик мулкани асрашга мунтазам уринаверади.

**Раҳмон ҚўЧҚОРОВ,  
Ҳабиба ОБЛОМУРОВА,  
Тошкент давлат юридик  
университети ўқитувчилари**

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг жойлардаги Халқ қабулхоналари юртдошларимиз энг кўп мурожаат қиладиган идоралардан биридир.**

## ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИГА МУРОЖААТ ҚОРАКЎЛДА АЙНИ МАСАЛА ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА?



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қоракўл туманидаги Халқ қабулхонасига жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 919 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларда жами 1 минг 46 та масала кўтарилган. Уларнинг 994 таси белгиланган муддатда кўриб чиқилиши таъминланди. Шундан 688 таси қаноатлантирилди, 293 таси бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди. Қолаверса, мурожаатларнинг 311 таси маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамда бевосита сектор раҳбарлари билан бирга, жойига чиққан ҳолда ўрганилиб, ижобий ҳал қилинди. Хусусан, кредит масаласидаги 17 та, иш билан таъминлаш юзасидан 11 та, алиментга оид 20 та, электр энергияси таъминотида тааллуқли 15 та мурожаат ижобий ечим топди.

Яна бир мисол. Қоракўл тумани “Региҳайдар” маҳалласи “Бойсоми” кўчасида истиқомат қилувчи фуқаролар ҳудудда электр қучланиш қуввати пастлиги, трансформатор эскирганлиги, электр энергия таъминотида доимий узилишлар мавжудлигидан аҳоли азият чекаётганини билдиришган. Мазкур ҳолат мутахассислар иштирокида ўрганилгач, эски трансформатор катта қучланишли, янги трансформаторга алмаштириб берилди.

Бундан ташқари, Қоракўл туман халқ қабулхонаси ва вилоят ҳамда республика ишчи гуруҳи ҳамкорлигида аҳоли мурожаатлари ҳамда муаммолари уйма-уй юриш орқали ўрганилиб, 4 та маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий аҳволи оғир бўлган оилалар рўйхати шакллантирилди. Бу маҳаллалар яшаш шароити оғир, кўп миллатли бўлиб, туман марказидан олис ва чегара ҳудудларда жойлашган. Уларда 11 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шу тариқа ташкил этилган 55 та ишчи гуруҳ томонидан 2 минг 284 та хонадон ўрганилди. Натижада 1 минг 417 та муаммоли хонадон аниқланиб, уларнинг 962 та мурожаати жойида ҳал этилди. “Обод маҳалла” Давлат дастури асосида маҳалладаги ички йўлларнинг 9,15 километрлик қисмига шағал, 2 километрга эса асфальт ётқизилди. “Осиё” маҳалласи йўлларининг 4,8 километри таъмирланди. Қолаверса, ҳудуддаги 33-умумтаълим мактаб биносини реконструкция қилиш ишлари бошланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маҳаллалар ҳудудини янада сўлим қилиб ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш мақсадида бўш ер майдонларига 12 минг 800 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга эса, 11 минг 532 туп мевали, 1 минг 268 туп манзарали ва 1 минг 934 туп қурилишбоп дарахт кўчатлари тарқатилди. “Ёшлар дафтари”га киритилган 12 нафар фуқарога маиший хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун ер майдонлари ажратилиб, 3 та сартарошхона, 2 та гўзаллик салони, 1 та дорихона, 4 та савдо дўкони, 2 та гўшт ва сабзавот маҳсулотлари дўкони қуриб берилди.

**Авлиёқул ОҚЌИЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қоракўл туманидаги Халқ қабулхонаси  
мудир**





САМАРҚАНД

## Банк ФЕРМЕРНИ ҚАЧОНГАЧА САРСОН ҚИЛАДИ?

**МАЪЛУМКИ,**  
Адлия вазирлиги  
томонидан жорий йилнинг июнь ойида “Фермерга мадад” акциясига старт берилган эди.



Мазкур акция доирасида Каттакўрғон туман адлия бўлими томонидан ҳам жойларда фермерлар билан учрашувлар ўтказилиб, уларни қийнаб келаётган муаммолар ўрганилиб, амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Хусусан, туман адлия бўлими томонидан тумандаги “Жумакул бобо-Я.И.Ж” фермер хўжалиги томонидан қилинган мурожаат ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, “Жумакул бобо-Я.И.Ж” фермер хўжалиги ва “Агробанк” АТБ Каттакўрғон филиали ўртасида Президентимизнинг 2020 йил 11 декабрдаги “Қишлоқ

хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ 2021 йил 22 февралда тоқзорларни томчилаб суғориш технологияларини сотиб олиб, ўрнатиш учун 45 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиш тўғрисида шартнома тузилган, шунингдек, 2021 йил 27 апрелда нотариал идорада гаров шартномаси ҳам имзоланган.

Аммо барча ҳужжатлар расмийлаштирилганига қарамадан, “Агробанк” АТБ Каттакўрғон туман фи-

лиали томонидан ҳеч бир сабабсиз кредит маблағи ажратилмаган.

Туман адлия бўлими томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида банк томонидан пайсалга солинган 45 минг АҚШ долларининг дастлаб 31 минг 850 АҚШ доллари миқдорида, сўнг-ра 13 минг 150 АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағлари икки босқичда ажратилиб, таъминотчининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.

**Сирожиiddин МАМАРАЖАБОВ,**  
Каттакўрғон туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси



ФАРФОНА

## Тракторчининг ПЕНСИЯСИ ОШИРИЛДИ



БАҒДОД туманидаги “Қаҳт” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Абдусалом Тошбоевнинг Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Бағдод туман бўлими томонидан ёшга доир пенсияга чиқиш вақтида иш стажлари тўлиқ ҳисобга олинмаганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида аён бўлдики, А.Тошев 1981-1995 йилларда тумандаги собиқ Охунбобоев жамоа хўжалигида тракторчи вазифасида ишлаган. Ўша даврлардаги қонун талабига биноан, 1981-1990 йилларда тракторчининг меҳнат минимуми 220 кун, 1991-1995 йилларда эса 200 кун этиб белгиланган.

Мазкур ҳолат Бувайда туман хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архиви то-

монидан 2018 йил 29 сентябрь куни берилган 216-сонли меҳнат дафтарчаси кўчирмасида ҳам акс этган. Аммо туман пенсия жамғармаси масъуллари меҳнат минимуми бажарилган 1984, 1985, 1987, 1995 йилларни бир йиллик иш стажига сифатида инобатга олишмаган.

Шу боис, туман адлия бўлими томонидан пенсия жамғармаси Бағдод туман бўлимига қонун ҳужжатларининг бузилиши, уларнинг сабаблари ва бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди. Натижада тилга олинган йиллар иш стажига қўшилиб, Абдусалом Тошбоевнинг пенсияси қайта ҳисобланиб, пенсия миқдори оширилди.

**Икромжон ИСАҚОВ,**  
Бағдод туман адлия бўлими бошлиғи



ГУЛИСТОН

**Р.ДАВИДОВ** 1992 йил декабрь ойидан 2021 йил апрель ойига қадар “Guliston ekstrakt yog” акциядорлик жамиятида фаолият юритди. Меҳнат таътилидан сўнг иш жойини ўзгартирмоқчи бўлди ва бу корхонадан ишдан бўшади. Аммо унга меҳнат шартномаси бекор бўлгач, иш берувчи томонидан сўнгги ҳисоб-китоб пуллари тўлаб берилмади. Чорасиз қолган Р.Давидов, Гулистон шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилди.

## Корхонанинг собиқ ходими билан **СЎНГГИ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ** “унутилган”

Меҳнат кодексининг 154-моддасида иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шартлиги белгиланган.

Мазкур мурожаат шаҳар адлия бўлими томонидан ўрганилганда, Меҳнат кодексининг 154-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги “Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида”ги қарори талаблари бажарилмаганлиги аниқланди.

Натижада, шаҳар адлия бўлими томонидан Р.Давидов манфаатида фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Суд буйруғи билан “Guliston ekstrakt yog” акциядорлик жамиятидан Р.Давидов фойдасига тўланиши лозим бўлган 10 миллион 933 минг 890 сўм миқдорида иш ҳақи ундирилиши белгиланди.

**Назар ҚАРШИБОВЕВ,**  
Гулистон шаҳар адлия бўлими бошлиғи



ТОШКЕНТ

**БЕКОБОД** шаҳрида фаолият юритиб келаётган “Бекобод асфальт бетон” масъулияти чекланган жамияти билан Боёвут тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ўртасида 2020 йилда икки томонлама шартнома имзоланган.

## ЙЎЛ КОРХОНАСИ БИР МИЛЛИАРДНИНГ “ЙЎЛИНИ” ҚИЛОЛМАДИ...



Масъулияти чекланган жамият томонидан шартномадаги ишлар тўлиқ бажарилган, аммо унитар корхона томонидан тўловни тўлашга панжа орасидан қаралган. “Бекобод асфальт бетон” МЧЖ масъуллари бундан норози бўлиб, Бекобод шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилган.

Ўрганиш жараёнида ҳақиқатан ҳам МЧЖ шартномада кўрсатилган асфальт маҳсулотларини етказиб берганлиги лекин туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси шартнома шартларини тўлиқ бажармасдан етказиб берилган 1 миллиард 450 миллион сўмлик асфальт маҳсулотининг пуллари бир неча бор талаб қилишларига қарамадан тўлаб бермаётганлиги маълум бўлди.

Мазкур қарздорликни ундириш мақсадида шаҳар адлия бўлими томонидан “Бекобод асфальт бетон” МЧЖ манфаатида Боёвут туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилди. Боёвут туманлараро иқтисодий суди томонидан даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилиб, “Бекобод асфальт бетон” МЧЖ фойдасига 1 миллиард 450 миллион сўм маблағ ундириб берилди.

**Хусан РАВШАНОВ,**  
Тошкент вилоят адлия бошқармаси масъул ходими



ТОШКЕНТ

## ҲОКИМ ФАРМОЙИШИ БЕКОР ҚИЛИНДИ, НЕГА?



ФУҚАРО О.А. Бектемир туман ҳокимлиги томонидан ишдан бўшатирилганлигидан норози бўлиб, Адлия вазирлигининг “Ишонч телефони”га мурожаат қилган. Мазкур мурожаат Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, фуқаро О.А. 2020 йил 1 июнда туман ҳокимининг фармойиши билан ҳокимликнинг хўжалик ишлари мудир лавозимига ишга қабул қилинган, бироқ туман ҳокимининг 2021 йил 23 мартдаги фармойишига асосан фуқаро О.А. билан тузилган меҳнат шартномаси унинг аризасига биноан Меҳнат кодексининг 99-моддасига асосан бекор қилинган.

Ҳолбуки, О.А.нинг 23 мартдаги аризасида меҳнат шартномасини бекор қилиш санаси кўрсатилмаган, иш берувчи ва ходим ўртасида ҳеч қандай келишув амалга

оширилмаган бўлса-да, меҳнат шартномаси жорий йил 23 март санаси билан бекор қилинган. Шунингдек, О.А. буйруқ нусхаси ҳамда меҳнат дафтарчасини олмаганлиги маълум бўлди.

Меҳнат кодексининг 99-моддасига кўра, ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ёки тарафлар келишуви бўйича белгиланган огоҳлантириш муддати давомида ходим берган аризани қайтариб олиши мумкин.

Меҳнат кодексининг 108-моддаси ва Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда рўйхатдан ўтказилган “Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғриси-

да”ги Йўриқноманинг 3.1-бандига кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт.

Шунга кўра, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан фуқаро О.А.нинг манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига даъво аризаси киритилди ва суднинг ҳал қилув қарорига кўра, туман ҳокимининг 2021 йил 23 мартдаги фармойиши ҳақиқий эмас, деб топилиб, бекор қилинди. Фуқаро О.А. аввалги лавозимига тикланди ва мажбурий прогул учун ўртача иш ҳақи ҳамда етказилган 5 миллион сўм маънавий зарар суммасыни ундириш белгиланди.

**Шерзод ШАРИПОВ,**  
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими





# Ҳайратдаман...

**ҲАР қандай сурат ва ҳар қандай гўзал-  
лик ҳар қандай кишини ўзига тортади,  
ҳайратлантиради.**

Болагимизда Зарафшон дарёси қирғоқларига қўлларимиз билан исмимизни ёзиб, завқланардик. Қайсар тўлқинлар келиб ёзувларимизни ўчириб кетганда, яна қайта-қайта ёзишдан чарчамасдик. Шунинг ўзи биз учун ҳайрат ва гўзал таассуротлар эди.

Йиллар ўтиб, одамларнинг дарахтларга, тоғларнинг тошларига исмларини ёзиб кетишларини кўп учратдик. Гўёки муҳаббатдан хотира деб исмлари ёнига юракнинг шаклини ҳам чизиб қўйишларини барчамиз кўрганмиз. Балким, буларнинг инсон қалби, руҳияти билан боғлиқ туйғуларга қандайдир дахли бордур? Албатта, кўнглингиздан кечаётган ҳар қандай ўй-хаёлларнинг ва кечинмаларнинг сабабчиси бор...

Кейин ҳаётнинг катта ва қудратли тўлқинларига қўшилдим. Кучли туйғулардан сўзлайдиган суратлар қаршисида соатлаб ҳайратдан лол қолдим. Рангларнинг таъминини сезиб, юрагимни неча бор шарҳсиз туйғулар эгаллагани ҳам рост. Бугун яна ҳайратдаман... Деворга оддий

бўёқда чизилган расм қаршисида ҳайратдаман.

Таҳририятимиз биноти Чилонзор ва Муқимий кўчалари кесишган чорраҳада жойлашган. Яқинда ишдан қайтаётиб кўча юзидаги кўримсиз кўп қаватли турар жой биносининг ён томонига маърифатпарвар шоир Чўлпоннинг портретини чизиб кетганларини кўриб, яқинроқ бориб, расмга термулдим. Қалбимни бошқача ғурур эгаллади. Жаҳон лирик шеърятининг мумтоз вакиллари даражасига кўтарилган Чўлпоннинг гўзал шеърлари, пьесалари, ҳикоялари, таржималари, романлари бирма-бир кўнглимдан ўтди. Айни навқирон ёшида ҳибса олиниб, отиб ташланган шоир Абдулҳамид Чўлпоннинг

**“Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,  
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.  
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,  
Айтадир: мен уни тушда кўрамен...  
Тушимда кўрамен — шунчалар гўзал,  
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзали!”**

деган машҳур сатрлари ёдимга тушди.

Орадан кун ўтиб девордаги расмлар иккитага, кейин учтага етгани кўзларимни янада қувонтиради. Энди Чўлпоннинг ёнида Абдулла Қодирий ва Фитратнинг расмларини кўриб, яна ҳам ғурурланаман. Шундай улуғ даҳоларнинг асарларини ўқиганим билан атрофдагиларга мақтангим келади, улар миллатимизнинг фахру ифтихори эканлиги қалбимни тўлқинлантиради.

Абдулла Қодирийнинг

**“Кўр бизнинг аҳволимиз,  
ғафлатда қандай ётамыз,  
Жойи келган чоғида  
виждонни пулга сотамиз.  
Ўғлимизга на адаб,  
на фан, на яхши сўйламак,  
На Худони буйруғи бўлган  
удум ўрғотамиз...”**

каби сатрларини ўқиганим сари уларнинг қиммати замонлар ўтса ҳам ўзгармаслигини ҳис этаман. “Жойи келган чоғида виждонни пулга сотамиз...” мисраларига бугунги кундаги нохуш мисоллар

ёғилиб келади ҳаёлимга...

Ҳар куни ишхонамга киришда ва ишдан қайтишимда адабиётимизнинг буюк намояндалари билан “кўришиб” кейин ҳаётимнинг бошқа оқимида қўшиламан. Бу чизилган расмлар шунчаки расм эмас, ўлмас адабиётнинг тимсоллари бўлиб кўринади, менга. Ялтироқ рекламалар, ахборот технологияларининг сўнги ютуқларини ўзида акс эттирган бетакрор паннолар мени қизиқтирмайди. Уларга кўзим тушса ҳам, кўнглим тушмайди.

Замондошларимизнинг ҳам аслимизнинг, қадримизнинг, қалбимизнинг қимматини оширадиган ҳаётнинг мана шу оддий деворга чизилган сурат каби чизгиларига ҳайрат билан боқишларини истардим...

Ҳа, дарвоқе, бу расмларни чизган рассом билан ҳали учрашмадим. Албатта топиб, бу ҳақда ҳам Сизларни хабардор қилиш ниятим бор.

**Маруса ҲОСИЛОВА,  
“Инсон ва қонун” мухбири**



## Бўлажак талаба имкониятлари БУГУНГИ ТАЛАБА ТАЛҚИНИДА

Талқин

**ЖАМИЯТ ривожланиши учун зарур бўлган етук кадрлар олий таълим орқали чуқур билимга эга бўлади. Мамлакатимизда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, таълим жараёнларини жаҳон стандартларига мослаштириш устувор вазифа сифатида белгиланди.**

Юртимизда ёшларнинг олий таълим муассасаларида таҳсил олиши учун янги имкониятлар кўпайиб бормоқда. 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртига киришда юқори балл тўплаган 200 нафар ёшлар учун Президент гранти жорий этилди. Олий таълим муассасаларида икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оилаларга таълим кредити бериладиган бўлди. Давлат грантлари 25 фоизга, эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат гранти эса, икки баробар оширилди. Хусусий олий таълим муассасаларида ҳам давлат гранти белгиланди.

Талабаларга яратиб берилаётган ижтимоий-иқтисодий имкониятлар уларнинг ҳозирги замон талабларига мос равишда, чуқур билим олишларига қўмаклашмоқда. 2021 йил 1 майдан бошлаб ётоқхона билан камраб олинмаган ва ўзига, шу жумладан, ота-онасига тегишли бўлмаган уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг 60 фоизига улар томонидан тўла-

надиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилмоқда. Бу эса, кўп йиллардан бери талабаларни қийнаб келган масалага аниқ ечим бўлди.

Чет тилларини билиш бизга халқаро тажрибани ўрганиш, замон билан ҳамнафас яшаш имконини беради. Бу борада ҳам ёшлар учун бир қатор қулайликлар яратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 апрелдаги қарори билан халқаро имтиҳон тизимларида юқори балл тўплаган ёшларга харажатларини жорий йилнинг 1 май санасидан бошлаб қоплаб бериш тартиби белгиланди. 2021 йил 1 майдан ушбу тизим тўлиқ йўлга қўйилди. Бугунга қадар IELTS, SAT, TOEFL, GMAT, GRE каби халқаро имтиҳон тизимларида юқори натижага эришган 290 нафар ёшларнинг харажатлари Ёшлар ишлари агентлиги томонидан тўлаб берилди. Бу қарийб 523,5 миллион сўмни ташкил этади. 2022 йил 1 январдан бошлаб яна 13 турдаги халқаро имтиҳон тизимларида юқори натижага эришган ёшларнинг имтиҳон

харажатлари тўлаб берилди.

Бугун ёшлар учун яратиб берилаётган имкониятлар жуда кўп. Буни шу йил 30 июнда бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёшлар ва талабалар форумида Президентимиз сўзлаган нутқларидан ҳам англаш қийин эмас. Энди сиёсий етук ва фаол ёш йигит-қизларни миллий парламентимиз ва маҳаллий кенгашлар фаолиятига янада кенгроқ жалб этилиши белгиланди. Бунда, Халқ депутатлари кенгашлари тавсияси асосида ёш, ғайратли, фидойи ўғил-қизлар бундан буён Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва сенаторларига бириктирилади. Шу билан бирга, маҳаллий кенгашларда ҳам худди Сенат ва Қонунчилик палатасидаги каби ёшлар парламенти вакиллари мактаби ташкил этилади.

Содда қилиб айтганда, энди бевосита ёшларнинг ўзи давлат бошқарувида иштирок эта оладиган бўлади. Давлатимиз раҳбари ёш кадрларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тарбиялашга қаратилган сиёсатнинг қатъий давом эттирилишини, бунинг учун, вилоят,

туман ва шаҳар Кенгашлари ҳар йили ҳоким, вазир, идора ва банк раҳбарлигига камида 2 нафардан ёш номзодлар захирасини тасдиқлаб беришини, жорий йилдан бошлаб бундай иқтидорли ёшларни “Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари ҳисобидан чет элларда стажировка ўташини таъкидлади. Халқаро нуфузли рейтингларда мингталikka кирган олийгоҳни тугатган ва чет элда илмий иш қилган ёш мутахассисларга қўшимча ҳақ тўланадиган бўлди. Иқтидорли, лекин олийгоҳда контракт асосида ўқиш имконияти бўлмаган ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам янги тизим яратилмоқда.

Бугунги кунда ота-оналар фарзандини олийгоҳда ўқитиш учун 22-28 фоиз ставкада таълим кредитини 3 йил муддатга олмақда. Бу албатта, чекка ҳудудларда яшовчи оилалар учун қийинчилик туғдирмасдан қолмас эди. Шунинг билан олиб, янги ўқув йилидан барча учун таълим кредити имтиёзли шартларда 7 йил муддатга, Марказий банкнинг асосий ставкасида, яъни жорий йилда 14 фоиз став-

када ажратиладиган бўлди. Бунга қўшимча равишда, таълим кредитини қоплаш учун йўналтирилган маблағлар даромад солиғидан ҳам озод қилинади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли учун яна бир имконият яратилди. “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг фарзандларига олийгоҳдаги ўқишнинг биринчи йили учун контракт тўловини бюджетдан тўлаб бериш тартиби жорий этиладиган бўлди.

Ёшлик бу ажойиб, бутун дунё кўз олдингизда бўладиган, дунёни янада яхши томонга ўзгартиришга интилиш туйғуси бор даврдир. Юртимизда ёшлар учун яратиб берилаётган бундай имкониятлар ҳамма давлатда ҳам йўқ. Улардан унумли фойдаланишимиз зарур, деб ўйлайман. Ҳар биримиз келажакда Ватанимиз равнақида ҳисса қўшадиган билимли, малакали кадрлар бўлиб етишсаккина, бу ишонччи оқлаган бўламиз!

**Дилноза ЯРАШОВА,  
Тошкент давлат юридик  
университети талабаси**



## ЎФ-МОЙ САНОАТИНИНГ ИЛК КОРХОНАСИ

“КАТТАҚЎРҒОН ЎФ-МОЙ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИфаолият юрита бошлаганига  
яқинда 85 йил бўлади

“КАТТАҚЎРҒОН ЎФ-МОЙ” акциядорлик жамияти нафақат мамлакатимизнинг, балки Ўрта Осиё минтақасининг ҳам илк ўф-мой саноати корхонаси ҳисобланади. Негаки, у бундан 85 йил муқаддам — 1936 йил 6 ноябрда ўз фаолиятини бошлаган. Шундан сўнг корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти тобора тақомиллашиб борган. Натижада 1939 йилда айнан ёғни рафинатция қилиш, тозалаш йўлга қўйилган. 1953 йилга келиб эса, Ўзбекистонда биринчи бўлиб пахта ёғи экстракция йўли билан ишлаб чиқарила бошланган. Қолаверса, Каттақўрғон хўжалик совуни ишлаб чиқаришнинг ҳам илк ўчоғидир. Ана шундай янги-ланиш ва ўзгаришлар туфайли мазкур саноат объекти собиқ иттифоқ миқёсида ҳам энг йирик, кўзга кўринган ва салоҳиятли корхоналар сирасига кирган.

Бундан ташқари, 1971 йилда бир суткада 80 м³ совун пишириш қозони ҳам ўрнатилганки, бу ўша пайтда бутун мамлакатда катта янгилик бўлган.

— Гарчи, “Каттақўрғон ёғ-мой” акциядорлик жамияти ўз йўнали-

шидаги илк корхона саналса-да, жамоамиз ҳамон ишлаб чиқариш қувватини ошириш, ишлаб чиқаришни замонавий, янги технолгиялар ёрдамида давом эттириш борасида изланишдан тўхтагани йўқ. Айниқса, мустақиллигимизнинг ўтган йиллари мобайнида бири иккинчисини такрорламайдиган янгиликлар юз берди, — дейди жамият раиси Баҳром Омонов биз билан суҳбатда.

Б.Омоновнинг таъкидлашича, 2002 йилда республикаимизда биринчи бўлиб ёғ маҳсулотини қадоқлашни йўлга қўйиш мақсадида Франциянинг “Setka bottless” фирмасидан замонавий ускуна олиб келиб ўрнатилди. Натижада маҳсулот автоматик тарзда 1 литрлик идишларга солиб, қадоқлана бошланган. Шунингдек, 2011 йилда Ҳиндистоннинг “MUEZ — HEST” фирмасидан келтирилган, нархи 350 минг АҚШ долларилриқ, суткасига 30 тонна ёғни ҳидсизлантирадиган ускуна ўрнатилган. 2014 йилда эса, Италиянинг “ICI Caldaie” компаниясидан баҳоси 96 минг 500 АҚШ долларига тенг бўлган табиий газ ва электр

энергиясини тежайдиган буг қозони ҳам келтирилган.

Келинг, шу ўринда корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятини намоён этувчи айрим рақамларга эътибор қаратсак. Айтайлик, жорий йилнинг биринчи ярмида 1 минг 261 тонна тозаланган ёғ ишлаб чиқарилди. Ана шу даврда 703 минг 800 АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот Афғонистон, Ҳиндистон, Қозоғистон ва Тожикистон каби мамлакатларга экспорт қилинди. Энг муҳими, ишлаб чиқариш суръати бир зум бўлса-да, тўхтагани, сусайгани йўқ. Ишлаб чиқариш 3 сменада ташкил этилган.

— Албатта, ҳар қандай жамоадаги меҳнат унумдорлиги асосан ишчи хизматчиларига яратилган шарт-шароитларга боғлиқ. Шу маънода айтганда, корхонаимизда ишчилар учун бир қатор қулайликлар ҳамда унумли меҳнат шароитлари яратилган, — дейди касаба уюшмаси қўмитаси раиси Эркин Тоғаев мамнуният билан. — Жумладан, бепул тушлик ҳамда ишчиларни мунтазам равишда сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш

йўлга қўйилган. Каттақўрғон сув омбори бўйида корхонанинг дам олиш маскани мавжуд. Бу ерда ишчи-хизматчилар бемалол ҳордиқ чиқариб, ишга янги куч-қувват ҳамда ғайрат-шижоат билан қайтишлари мумкин. Ходимларимизнинг фарзандлари эса, Иштихон туманининг сўлим “Зарбанд” қишлоғида жойлашган “Фарҳод” болалар оромгоҳида ёзги таътилни мароқли ўтказишлари мумкин. Қолаверса, корхонаимизнинг спорт комплекси ҳамда кутубхонаси ходимларга жисмоний ва маънавий куч беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сафаримиз мобайнида узоқ йиллар корхонага меҳнати сингган нуронийлар билан ҳам суҳбатлашдик. Шулардан бири меҳнат фахрийси Абдулло Барнаевдир.

— Қарийб 40 йил мана шу корхонада ишлаб, нафақага чиқдим. Шунинг учун жамият раҳбарияти ва вакиллари мендан тез-тез хабар олиб туришади. Айниқса, бирор бир байрамда унутишмайди. Энг қувонарлиси, тўй-маъракаларимизда ҳам бош-қош бўлишади. Мен бу йил

85 йиллиги катта тантаналар билан нишонладиган ана шу серфайз корхонада меҳнат қилганимдан, шу орқали юртимиз фаровонлигига ҳиссам қўшилганидан беҳад миннатдорман, — дея дил изҳорини баён қилади Абдулло ота.

— Яқинда корхона раҳбари ва масъуллари хонадонимга ташриф буюриб, мени йўқлашди. Шунда корхонаимизнинг 85 йиллик тўйини қандай ўтказиш хусусида ҳам суҳбатлашдик. Албатта, бундай қутлуғ айёмда бирга ишлаган ҳамкасбларимиз ва шогирдларимиз билан дийдор кўришиб, обдон гурунглашамиз, — дея тўлқинланиб гапирди яна бир меҳнат фахрийси Зоир Қаюмов.

Дарҳақиқат, кексалари эъзозланган юрт, маҳалла, жамоадан ҳеч қачон файзу барака аримайди. Шундай экан, “Каттақўрғон ёғ-мой” акциядорлик жамияти жамоасига ишингиздан унум, хонадонингиздан қут-барака, дастурхонингиздан тўкин-сочинлик аримасин, деб қоламиз.

Азим ҚОДИРОВ,  
“Инсон ва қонун” мухбири



КАТТАҚЎРҒОН ЎФ-МОЙ  
Aksiyadorlik Jamiyati

“КАТТАҚЎРҒОН ЎФ-МОЙ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни муборак Қурбон ҳайити билан  
табриклайди!

Ҳайит айёмининг файзу баракаси хонадонларимизни  
асло тарк этмасин. Байрамлар байрамларга,  
тўю-томошаларга уланиб, халқимизнинг боши  
хурсандчиликдан, шодиёналардан чиқмасин.

Истиқлол қуёши жаннатмонанд диёримиз узра ҳамиша  
порлаб тураверсин!







# ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ...

Ўз хуснига бино қўйиб, енгил ҳаёт кўчаларида юришни афзал билган Сурайё “орзусидагидек” басавлат, бадавлат Комил исмли йигит билан танишиб қолди. Унинг мўмай даромадли ишда ишлаши, доимо ёнида пул билан юришини аллақачон билиб олганди. Комил унга ижарага уй олиб бериб, пулини тўлаб юрар, барча харажатларини кўтарарди. Сурайёнинг фарзанди борлигини билгач эса...

Комил охириги келганида Сурайёга 3 минг АҚШ долларини бериб, “кам-ларингга ишлатиб тур”, дейди-ю, қайтиб кўринмайди. Бу ҳол эса, Сурайёга ёқмайди.

## НИЯТИ ҚОРА ҚАРИНДОШЛАР “ҚОПҚОН”ГА ТУШДИ

Сурайё холаваччаси Самандар билан учрашиб қолганда бу ҳақда арзиҳол қилиб, Комилнинг пул-дорлиги, доимо машинасида қўп пул билан юриши ҳақида алоҳида тўхталди. Самандар ҳам текинто-моқликда қариндошидан қолиш-мас эди. Ахир, унинг маслаҳати билан 3 минг АҚШ долларини қайтармаслик баробарида Комил-дан ҳомиладор бўлиб қолгани учун 100 минг АҚШ доллари ундириб олиш мумкинлигини ҳам айнан Самандар ўргатган эди.

Катта пул дарагини эшитиб, нияти бузилган Самандар жия-нига “Ўша валломат”ни қақриб, гаплашиб олишларини айтди. Ўзи ҳам ёлғиз бўлмаслик учун таниши Абдурауфни қақирди:

— “Sarbast” пиво заводи олдига етиб кел! Пуллик иш бор!

Асли ёмон ҳаёлга бормаган Абдурауф айни шу пайтда спорт залида машғулотда эди. Саман-дарнинг ниятидан беҳабар келган йигит уни эшитаркан, нимагадир унинг раъйини қайтармади. Бал-

ки, шу он унга ҳам пулга ўчлик панд бергандир.

Сурайёнинг кўнғироғига бепар-во бўлолмаган Комил “Ласетти” автомашинасида у айтган манзил-га етиб келди. Аммо Сурайё билан бирга икки бегона йигитнинг ма-шинага ўтиришидан кўнгли биров хижил бўлди. Йигитлардан бири унинг елкасига туртиб “хайда!”, дея буйруқ берди. “Қаёққа?” де-гандай қараган Комилни ҳақорат-лаган Самандар унинг биқинига пичоқ тираб “латтамисан, тўғрига хайда!”, дея ўшқирди. Комил ўзи истамеган ҳолатда машинани тўғрига юргизди.

— Сен нега мени жиянимни алдаб, ташлаб кетдинг?! — дея Комилни гапиришга қўймай яна бир нималар деган Самандар шу кетишда оғир жиноятга қўл уриб қўйиши ҳам мумкин эди. Лекин ҳайдовчи эпчиллик қилиб, машина тезлигини ошириб, яқин атрофда бўлган аэропорт томонга бурилиб кетди. Аэропортга кириш жойи-да хизмат вазифасини ўтаётган ҳарбийлар яқинида машинани тўхтатган Комил қочинишга эришди.

Самандар эса олд ўриндикка

ўтиб машинани бошқариб, олиб қочди. Орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас Сурайё кўнғироқ ки-либ, Комилга ўшқира кетди:

— Агар тезда бизнинг олдимиз-

га келмасанг, машинангни ёқиб юборамиз. Мен сендан ҳомила-дорман, 100 минг АҚШ доллари берсанг, “расчёт” бўламиз!

Инсон билиб-билмай хато қилиши мумкин. Аммо жиноят-га билмай қўл уриш мумкинми? Жиноятчилар ҳайдовчи (Комил)га пўписа қилганлари етмаганидек, машина салонида бўлган 2 милли-он сўм пулни олиб, машинани чек-ка бир ҳудудга ташлаб кетишди.

Суриштирув, тергов ва суд жараёнларида барча ҳолат очиқ-ой-дин юзага чиқди. Ўз қўлларига ўзи кишан солган, ўз келажагини ўзи барбод қилган бу ёшларга суднинг ҳукми эълон қилинди. Эндигина 21 ёшни қаршилаган Сурайё Айтматова 5 йилу 1 ой, 23 ёшли Абдурауф Иномов 5 йил, 30 ёшли йигит Самандар Комилов эса, 7 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Ақром АРИПОВ,  
Олий суд бош консультанти

## НОҲАҚ АЙБЛАНГАН ТАДБИРКОР

### суд жараёнида ОҚЛАНДИ



ТЕРГОВ органи томонидан эълон қилинган айбловга қўра, бухоролик тадбиркор Шамшод Шеров республикамизга Хитой давлатидан телевизор маҳсуло-тини олиб келишни режалашти-ради. Шундай қилади ҳам. Яъни, “LG” русумли 1 минг 206 дона турли ўлчамдаги те-левизорларни олиб келиб, ма-хсулотни ўзининг “Vixaratekst” МЧЖ номига эмас, балки Бухо-ро вилоятида давлат рўйхатидан ўтган, Хитойнинг “Xinjiang Lianda Weiye Economy and Trade Co.Ltd”, “Jiangsu Mittal international Trading Co.Ltd” ком-паниялари билан ўзаро шарт-номаларга эга бўлган ва турли маҳсулотлар импорти билан шуғулланувчи “Shaxboz carpet tekstile” масъулияти чекланган жамияти номига расмийлашти-ради. Юк ҳужжатларида эса, маҳсулотни бошқа товарлар номи билан кўрсатади. Мазкур ҳолат 2018 йил 29 декабрь куни “Хўжадавлат” чегара божхона пости ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда аниқланади. Телевизорларнинг умумий нархи эса 5 миллиард 72 миллион 199 минг сўмни ташкил қилган. Шундан келиб чиқиб, тадбиркор маҳсулот учун 5 миллиард 16 миллион 521 минг 835 сўм божхона тўловини амалга ошириши лозим бўлган. Бинобарин, Шамшод Шеров те-левизорлар аслида “Vixaratekst”

МЧЖ номига келиши керак бўлгани ҳолда юбуровчи компаниянинг хатоси туфайли “Shaxboz carpet tekstile” МЧЖ номига бошқа маҳсулотлар номи билан келиб қолгани ҳақидаги хатни, юқоридаги шартномалар нусхаларини божхона идорасига тақдим этган.

Шунингдек, тадбиркор кириб келган телевизорларни расмий-лаштириб олиш мақсадида расмий ҳужжатларни такроран қалбакилаштириб, сўнг қалбаки ҳужжатдан фойдаланган. Оқи-батда у Жиноят кодексининг қатор моддаларини бузганликда айбланган. Бирок....

Бирок жиноят ишлари бўйи-ча Жондор туман судининг маз-кур иш бўйича бўлиб ўтган суд мажлисида Ш.Шеровга нотўғри айб эълон қилингани аниқлан-ган. Натижада суд ўзининг 2019 йил 27 сентябрдаги ҳукми билан уни айбсиз деб топиб, оқлаган. Шу билан бирга оқлов ҳукмида ашъвий далил сифатида эътироф этилган 1 минг 206 дона теле-визор Ш.Шеровга қайтарилиши белгиланган. Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 27 ноябрдаги ажрими-га биноан эса, биринчи инстан-ция суди томонидан чиқарилган ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган. Лекин Бухоро вилоят прокурату-раси Ўзбекистон Республикаси Олий судига апелляция протес-

тини киритган. Шу боис Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 3 сентябрдаги ажримига асосан юқоридаги апелляция ажрими бекор қилиниб, жиноят иши ян-гитдан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

Жиноят ишини янгидан кўриш мобайнида ҳам Шам-шод Шеровнинг айбсизлиги аён бўлди. Хусусан, хитойлик ҳамкорлар у билан электрон шартномани имзолашгач, теле-визорларни юборишган. Бирок улар ҳали маҳсулот етиб келмай туриб — 2018 йил 26 декабрь куни тадбиркорга кўнғироқ қилиб, ҳужжатларда хатоликка йўл қўйилганлигини айтишган. Шу боис, Ш.Шеров ўша куниёқ “Когон” божхона постига бориб, ходимлардан бирига вазиятни тушунтирган. Шунда божхо-начилар юк етиб келгач, ариза билан мурожаат қилишини ҳамда Хитой компаниясининг юклар хато жўнатилганлигини тасдиқловчи хатини тақдим этишини билдирган.

Бундан ташқари, апелляция суди мажлисида сўроқ қилинган мутахассис — “Когон” божхона пости бошлиғи Ж.Яҳёевнинг маълум қилишича, ҳар қандай юк доимо унинг эгаси билан биргаликда очилиши лозим. Хатолик юзасидан ариза берил-гандан сўнг, юкнинг эгаси юкни кўрикдан ўтказиши, бундай хо-

латда юк эгаси маҳсулот ҳужжа-тини декларация ёқдирилгунга қадар тузатиши ёки декларация-да ҳақиқий ҳолатни кўрсатиши мумкин. Аммо мазкур жиноят иши бўйича эса юк темирийўл орқали келгач, ҳали юк эгаси ариза билан мурожаат қилма-сидан олдин вилоят божхона бошқармасининг контрабанда гуруҳи томонидан контейнерлар очилган.

Яна бир эътиборли далил шуки, Бухородаги “Shaxboz carpet tekstil” МЧЖ раҳбари М.Ачилов ҳам 2018 йил 30 декабрда “Когон” божхона пости бошлиғига хат орқали мурожаат қилган. Ш.Шеровнинг юк ҳужжатларида кўрсатилган-товар-моддий боиликлар хи-тоиликларнинг хатоси туфайли унинг корхонасига юборилган-лигини билдирган. Ана шу асос-ларга таянган Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича Жондор туман судининг 2019 йил 27 сентябрдаги Шамшод Шеровга нисбатан эълон қилинган оқлов ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция протес-тини эса, қаноатлантирмасдан қолдириш юзасидан ажрим чиқарди.

Шавкат ҚУВВАТОВ,  
Бухоро вилоят судининг  
судьяси  
Хуршид СУЛТОНОВ,  
“Инсон ва қонун” муҳбири

## ЭЪЛОНЛАР

Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 9 июлдаги 170-ум-сонли буйруғига асосан “Тагаққйот уюғ’дуси” адвокатлик бюроси адво-кати Собиров Хамдам Сапарбаевичга 2018 йил 27 декабрь куни берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқни берувчи НЗ № 000076 рақамли лицензиянинг, “Jaloliddin Manguberdi himoyachilari” адвокатлик ҳайъати адвокати Ха-санов Шухрат Омонбоевичга 2019 йил 6 февраль куни берилган адвокатлик фаолияти билан шуғул-ланиш ҳуқуқни берувчи НЗ № 000138 рақамли ли-цензиянинг, “Jaloliddin Manguberdi himoyachilari” адвокатлик ҳайъати адвокати Юсупов Зафорок

Бобожоновичга 2018 йил 28 декабрь куни бе-рилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқни берувчи НЗ № 000133 рақамли лицен-зиянинг, “Bek himoyasi” адвокатлик ҳайъати адво-кати Якубов Давронбек Абдуллаевичга 2018 йил 28 декабрь куни берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқни берувчи НЗ № 000134 рақамли лицензиянинг амал қилиши ҳамда адво-катлик мақоми тугатилди.

Хоразм вилоят адлия бошқармаси томонидан Боғот туманида хусусий амалиёт билан шуғул-ланувчи нотариус Бобожонов Улуғбек Шарипо-

вичини хусусий нотариал фаолият билан шуғул-ланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги аризасига биноан божқарманинг 2021 йил 6 июлдаги 163-ум-сонли буйруғига асосан Хоразм вилоят адлия бошқар-маси томонидан 2020 йил 27 апрель куни хусу-сий амалиёт билан шуғулланиш ҳуқуқини берув-чи НЗ № 0027-сонли лицензиянинг амал қилиши ва нотариуслик мақоми тугатилди.

“Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республи-каси Қонунининг 153-моддаси ва Қашқадарё ви-лоят адлия бошқармасининг 2021 йил 3 июлдаги

буйруғига асосан Деҳқонobod туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус А.Жоббо-ровага 2020 йил 27 апрель куни берилган хусусий амалиёт билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи KS 0039-сонли лицензиясининг амал қилиши ва нотариус мақоми тугатилди.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси ҳузурида-ги малака комиссиясининг 2021 йил 25 июндаги 18/2021-сон йилгилиш баённомаси ҳамда Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 25 июндаги 20-Н-ум-сон буйруғи билан Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 2020 йил 22 апрелда Чиноз

туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Г.Хатамовага берилган TS 0075-рақамли лицензиянинг амал қилиши 2021 йил 1 июль кунидан 1 (бир) ой муддатга тўхтатилди.

Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 6 июлдаги 167-ум-сонли буйруғига асосан “JUSTICE YURIDA” адвокатлик бюроси адвокати Худайбер-ганова Марифат Якубовнага Хоразм вилоят адлия бошқармаси томонидан 2020 йил 1 декабрь куни НЗ № 000172 рақам берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқни берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокат мақоми тугатилди.

## Инсон ва қонун

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
“Адолат” миллий ҳуқуқий  
ахборот маркази наشري  
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган  
ISSN 2010-7897  
9 772010 789008

## Бош муҳаррир

## Кўчқор НОРҚОБИЛ

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Жўрабоевич  
Рабиев Шерзод Миржалилович  
Тожиёв Фурқат Шомуродович  
Искандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган  
қўлёзмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Хуршид Султонов  
Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур Тожибоев

## Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.  
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 3369  
Буюртма — V-4753

Топшириш вақти — 19:00  
Топширилди — 19:00

## МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.  
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5



## Ҳаёт сабоқлари

ИЛГАРИ ҳовлимизда бир туп ўрик дарахти бўларди. Эсимда қолган: болалигимда бобомни ҳол-жонига қўймай довучча тердирардим. Баъзида эса, дарахтнинг шиғил довучча қилган шохчасини ўзим синдириб олардим, бобом кўриб қолсалар борми, балого қолардим. Орадан бир неча йиллар ўтди, мен улғайдим, бобом анча кексайиб қолди, ҳовлимиздаги ўрик дарахти ҳам қариди, деярли ҳосилдан қолди.



Бир куни бобомга: “Бобо, ўригимиз энди қариб қолди, мева ҳам бермай қўйди, бекорга савлат тўкиб турганидан нима фойда? Кесиб ташлай қолай”, — дедим. Сўзим тугар-туғамас бобом ярқ этиб менга қаради. Бобомнинг ажин босган қорамтир юзлари сутдек оқариб, кўксига тушган оппоқ соқоллари дир-дир титрарди. Ҳатто койиганда ҳам меҳрли боқувчи кўзларида ёш ялтирарди. Тўғриси, нима қилишимни билмай қолдим. Авваллари бобомни бу аҳволда ҳеч кўрмагандим.

Ўшанда жуда ёмон аҳволга тушиб қолгандим. На бобомдан узр сўрашимни, на юпатишимни биламан, мунгайиб қолган бобомни олдида анча пайт сукут сақладим. Бу ҳолат ҳали-ҳануз кўз ўнгимдан кетмайди. Бобом қафтлари билан юзидаги ёшни сидириб, ҳазин овозда деди: “Болам, дарахтнинг оёғига сен болта урмасанг ҳам вақт-соати етса, тақдир азалининг ўзи ўз қўли билан суғуриб олади. Ҳаёт шу экан, ёшинг ўтиб, куч-қувватдан қолсанг, ҳеч кимга керак бўлмай қоларкансан. Бу ўрикнинг ёши мен билан баробар, мен туғилганимда отам онамга: “Шу кўчатни ҳовлига ўтқазиб қўяман, тўнгичимга тенгдош бўлиб ўсади”, — деган экан. Ҳозир ҳам мана шу дарахтга қарасам, отамни кўргандек бўламан, отам урушга кетаётганларида ёш бола эдим.

Отам мени бағрига босиб: “Нортой, болам, энди мен урушдан қайтганимча оиламиздаги қатта эркак сенсан, укаларинг билан онангни ёлғизлатиб қўйма, уларни сенга, сени Худога топширдим”, — дедилар.

- Ота, қачон қайтасиз?
- Ўригимиз олтиндек бўлиб пишганида, — жавоб бердилар.
- Ўрик қачон пишади?
- Ҳозир киш, сўнг баҳор келади, ўригимиз гуллаб, довуччалайди, қараб турибсанки, бу ёғи ёз бўлади, шунда ўригимиз ҳам пишади. Кейин мен келаман, биргалашиб саватга терамиз, ҳўпми, Нортой!

Отам пешонамдан ўпиб, елкамга қоқиб қўйди. Ўшанда отамни сўнгги бор кўраётганимни билмагандим. Неча бор киш келди, киш ўтиб баҳор, яна ёз келди, аммо отам келмади.

Отам урушга кетгач, ўригимиз икки бор олтиндек пишди, шу йили қишда эса отамдан қорахат келди. Онаминг юзлари ўригимиздек сарғайди, икки кўзи йўлга қадалди.

Уруш кезларида ҳар йили ўригимиз довуччалаганида аям бир донасиниям уздирмасди: “Гўрани еб фойда топармидиларинг, пишса сотаман, нон бўлади, ортса ейсизлар, қишга туршак қиламиз”, — деб қойиб берарди.

Йиллар ўтиб отамнинг қайтмаслигини тушундим. Баъзан отамнинг жуда ҳам қадри билинарди, шундай пайтларда ўригимизни кучоқлаб, унга дардимни айттардим. Дарахт тушунгандек силкинарди, шунда таскин топардим.

Ҳаётимда икки бор жуда қаттиқ йиғлаганман: биринчи марта аямни тупрокка қўйишганда, иккинчи бор отам билан аям шу кунларни, яъни мустақилликни кўрмай ўтиб кетганликлари учун ўригимизни кучоқлаб, юм-юм кўз ёши тўкканман.

Бу ўрик дарахтидан отамнинг иси келади, унинг мевасини отанг еди, сен единг, энди кексайди... Ҳа, мен билан бирга қариди.

Табиатдаги дов-дарахт, ўт-ўлан, жамики тирик жонзотдан тортиб одамларгача — ҳаммаси бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Ҳаётнинг азалий қонуни шундайки, дунёга келганингдан улғайгунигга қадар сени парвариш қиладилар”.

Бобомнинг ҳикояларини тинглаб, бемаврид гапларимдан пушаймон бўлдим. Орадан бир йил ўтиб, бобом оламдан ўтди. У кишини ерга қўйган кунимиз кечга бориб қаттиқ шамол турди, кечаси билан тинмаган шамол тонгга яқин ҳовлимиздаги бир туп ўрикни торткилай-торткилай қулатди... Тонг отгач, шамол тиниб, ҳаво очилди, ажал бобомнинг қадрдон дўсти, тенгдоши, сирдоши бўлган бир туп ўрикни ҳам ўзи билан бирга олиб кетганди...

Умида НУРМУҲАМЕДОВА



## Тақиқланган жойга ЧИҚИНДИ ТАШЛАГАНЛИК УЧУН ЖАРИМА МИҚДОРИ ҚАНЧА?

**КўПЧИЛИГИМИЗ чет элга тиждорат, сайру сайҳат ёки хизмат сафарига бориб қайтган таниш-билишларимиз билан суҳбатлашиб қолсак, у ердаги шаҳар кўчалари тоза ва озодалиги, ҳаттоки, ерда ётган бир дона гурурт қолдиги ҳам йўқлигини айтишади. Шаҳар кўчаларига чиқинди ташлаш тугул уни белгиланмаган жойга ташлаш учун ҳам жарима миқдори анча қиммат эканлигини эшитиб, улар ҳақида маълумот беришга қарор қилдик.**

**Ҳозирда дунё мутахассислари чиқинди муаммосига эътиборни қаратишган ва унинг миқдорини камайтириш учун қаттиқ ҳаракат қилишмоқда.**

### ГЕРМАНИЯ

2015 йилдан бошлаб Германиянинг ҳар бир фуқароси аввал чиқиндини алоҳида турларга ажратиб, кейин махсус контейнерларга ташлашга мажбур, бу — қонун.

Шунинг учун чиқинди контейнерлари қўйилган жойларда қайси чиқиндини қасргга ташлашга қийналаётганлар учун тез-тез маълумот тахталари ўрнатилади. Масалан, эълон тахтачасида ишлатилган нам салфетка ва чой пакетлари қасргга ташланиши лозимлиги эслатиб борилади. Ҳаттоки, немисларга чиқиндиларни алоҳида йиғиш қоидаларини бузганлик учун жазо белгиланган. Агар уйдаги яроқсиз батареяларни энг яқин супермаркетга олиб чиқиб топширишга эринадиган бўлса — 2500 евро тўлашга тўғри келади.

Германия аҳолиси янги уйга кўчиш пайтида (бепул бераман) ёзуви билан юмшоқ мебель ва уй анжомларини кўчага чиқариб қўйишади. Аслида эса бу нотўғри. Юмшоқ мебель ва бошқа қатта ўлчамдаги нарсаларни махсус қабул пунктига олиб бориш ёки буюртмани етказиб бериш керак. Акс ҳолда, кўшчиларингиз Сиз ҳақингизда уй маъмуриятига хабар беришлари мумкин. Бу вазиятда эса, 500 евро миқдориди жарима тўлашингиз мумкин.

Кичик ҳуқуқбузарликлар, масалан, бир марталик қоғоз стаканлар махсус қутига эмас, балки умумий чиқинди ташлаш қутисига ташланса — 20 евро тўлашга тўғри келади.

### ШВЕЙЦАРИЯ

Дунёнинг энг тоза мамлакатларидан бири Швейцарияда маҳаллий аҳоли чиқиндиларни қандай қилиб ажратаётганини чиқинди полицияси кузатиб боради. Ҳатто улар автомобилнинг деразасидан сигарета қутисини улоқтирган одамни топиб, жавобгарликка тортишни уддалайди. Агар кўча-кўйда чиқиндини махсус қутига ташламасангиз ва шу ҳолат қайд этилган бўлса, ушбу мамлакатда 300 франк тўлашга мажбурсиз.

Бир куни Цюрих аҳолисидан бири картон қадокни нотўғри тахлаб, қоғоз идишга ташлагани текширувлардан бирида маълум бўлди. Қоидага кўра, посылкани олувчилар қатта ҳажмдаги қадокни ихчам қилиб кесиб олиб, арқон билан боғлаб, кейин чиқинди ташланадиган идишга ташлаши лозим. Швейцариялик аёл эса, картон қадокни боғламади ва уй маъмуриятининг огоҳлантиришларига эътибор бермади. Бунинг учун у 270 франк жарима тўлади. Агар у тўлашдан бош тортса, бир неча кун қамок жазосига маҳкум этилади.

### СИНГАПУР

Сингапур Осиёдаги энг тоза шаҳар ҳисобланади. Европада пайдо бўлганига ҳеч қанча вақт бўлмаган чиқинди билан боғлиқ жарималарга Сингапур узок вақтдан бери риоя қилиб келади. Махсус қути устига ташланган майда чиқиндилар, масалан, гугурт қутиси учун тахминан 94 АҚШ доллари жарима тўлайди.

Консерва ва пишшали ичимлик ҳамда газеталарларни чиқиндига нотўғри ташлаганлик учун 1000 АҚШ доллари атрофида жаримага тортилади.

Такрорий қоидабузарлик учун эса 5 000 Сингапур доллари ёки жамоат ишларига жалб қилинади. Ёки Сингапур кўчаларини тозалашга тўғри келади. Бу эса, тозаланишга риоя этилишининг жуда самарали усули ҳисобланади.

### КЕНИЯ

Кенияда полиетилен пакет ишлатилса, ўша фуқарога нисбатан тўрт йилгача қамок жазоси ёки 32 500 евро жарима солинади.

Шарқий Африка мамлакатини 2017 йилда энг қатъий тақиқлардан бири, яъни, мамлакатни пластик чиқиндилардан қутқаришни мақсад қилган. Ҳозир Уганда, Танзания, Бурунди ва Жанубий Судан каби Шарқий Африканинг бошқа мамлакатлари ҳам Кения қўллаган усулни хошлашаётган. Чунки Кения бу борада ютуққа эришди. Маҳаллий аҳоли ва сайёҳлар ҳам мамлакат сезиларли даражада тоза бўлганлигини таъкидлашмоқда.

### ХИТОЙ

Узоқ вақт давомида Хитойда чиқинди контейнерлари иккита бўлинмадан иборат эди. Яъни, қайта ишланадиган чиқиндилар ва бошқа чиқиндилар.

Бирок, улар нотўғри сараланган чиқиндилар тақиқига қатъий риоя қилмадилар. Бунинг учун жарима жазоси қонун лойиҳасини муҳокама қилиш босқичидан ҳам олиб ташланди.

Аммо 2017 йилда Хитойда компаниялар ва мамлакатнинг оддий аҳолиси учун чиқиндиларни нотўғри саралангани учун жарималар ишлаб чиқилди. Бу ташаббус Хитойнинг Шенчжен провинциясидан бошланди. 2017 йилнинг октябрь ойидан бошлаб маиший чиқиндиларни саралашдан бош тортган фуқаролардан 50 юан (7 доллар атрофида), ташкилотлардан 1000 юан (145 доллар) гача жарима ундирила бошланди.

### АВСТРАЛИЯ

Австралияда ҳар қандай рухсатсиз ташланган, нотўғри йиғилган чиқиндилар, чиқиндиларни ташлаш ёки жойлаштирганлик учун жарима 7500 АҚШ долларини ташкил қилади.

Чиқиндини тўғри тартибланганлигини текшириш учун махсус текширувчилар мавжуд. Маҳаллий аҳоли, чиқиндини бошқариш бўлимига, шунингдек, Янги Жанубий Уэлс ҳукуматининг веб-сайтига ҳуқуқбузарлар ҳақида шикоят қолдиришлари мумкин.

### АҚШ

Германияда бўлгани каби АҚШда ҳам жарима жазоларининг бутун тизими мавжуд. Тўғри, саралаш ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан амалга оширилади ва америкаликлар фақат озиқ-овқат чиқиндиларини алоҳида ташлашлари лозим.

Аммо Қўшма Штатларда кўчаларда чиқинди ташлаш ҳали ҳам тавсия этилмайди.

Масалан, Калифорнияда ташланган сигарет қутиси учун 1000 АҚШ доллари гача жарима жазоси қўлланилиши мумкин.

Бундан ташқари, Вашингтон штатида икки яшар қизчанинг нотўғри ташланган чиқиндисини учун ота-онаси 75 АҚШ доллари миқдориди жаримага тортилган.

### ЯПОНИЯ

Японияда саралаш ҳамма учун мажбурийдир. Кичкина мамлакатда уни сақлаш учун ҳеч қандай жой йўқ. Шу сабабли, қуйида ноқонуний чиқиндиларни ташлаганлик учун жарималар миқдори билан танишинг: Бир неча қоидабузарликлар, ҳатто, 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва 10 миллион иена жарима билан жазоланиши мумкин. Қоида тариқасида, қаттиқ чиқиндиларни саралашда уларни турли хил пакетларга ажратиб, сўнгра устига исмингизни имзолашингиз керак.

Кейин пакетларни кўрувчи чиқинди учун жавобгар ҳодим текширади, агар у нотўғри тартибланган бўлса, пакетларни қайтариб бериши мумкин. Бундай ҳолатда сиз чиқиндига нотўғри муносабатда бўлганингиз учун 5000 иена миқдориди жарима тўлашингиз лозим бўлади.

Мадина ҲАМДАМОВА